



**NORMATIV-HUQUQIY HUJJATLAR LOYIHASINI
ISHLAB CHIQUISH VA KELISHISHNING YAGONA
ELEKTRON TIZIMI**

ID-4917 (V-1)

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi Qarori

**Mashina va qurilmalar xavfsizligi to‘g‘risidagi Texnik
reglamentni tasdiqlash haqida**

Ўзбекистон Республикасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2024 йил 28 февралдаги ПҚ-91-сон Қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, Машина ва Қурилмаларнинг хавфсизлигига қўйиладиган талабларни белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси Қарор қилади:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Машина ва Қурилмаларнинг хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламент (кейинги ўринларда – Техник регламент) ва уни жорий этиш схемаси 1 ва 2–иловаларга мувофиқ тасдиқлансин:

машина ва Қурилмаларнинг хавфсизлик талаблари, шу жумладан, ишлаб чиқиш (лойиҳалаш) даврида машина ва ускуналар хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш, ишлатиш ва утилизация қилиш вақтида машина ва ускуналарнинг хавфсизлигини таъминлаш;

машина ва Қурилмаларнинг мувофиқлигини тасдиқлаш ҳамда уларнинг мувофиқлигини декларация қилиш тартиби;

машина ва Қурилмаларнинг мувофиқлик декларациясини қабул қилишга асос бўладиган далилий материаллар, шунингдек, мувофиқлик декларациясини тасдиқлаш тартиби ва унинг амал қилиш муддати, ариза

берувчи томонидан мувофиқлик декларациясини ва далилий материалларни сақлаш муддати;

машина ва Қурилмаларни сертификатлаш тартиби, шу жумладан, серияли ишлаб чиқариладиган машина ва Қурилмаларни, республика Худудида ишлаб чиқариш ташкилотларини жиҳозлаш учун мўлжалланган чекланган Ҳажмдаги машина ва Қурилмаларни сертификатлаш босқичлари;

машина ва Қурилмаларни миллий мувофиқлик белгиси билан тамғалаш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси бозорида маҳсулотларни миллий мувофиқлик белгиси билан маркировка қилиш машина ва Қурилмалар бозорда муомалага чиқарилгунга қадар амалга оширилиши.

Техник регламент расмий эълон қилинган кундан бошлаб олти ой ўтгандан кейин амалга киритилсин.

2. ТоҒ-кон саноати геология ва соҳасини назорат қилиш инспекцияси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда тасдиқланган Техник регламентнинг мақсадлари, мазмун-моҳияти ҳамда уни қўллаш тартиби тўғрисида аҳоли, давлат бошқаруви органлари, тадбиркорлик фаолияти субъектлари кенг хабардор қилинишини таъминласин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида мувофиқлиги тасдиқланиши лозим бўлган мувофиқликни баҳолаш объектлари рўйхатларини тасдиқлаш тўғрисида” 2021-йил 30-январдаги 43-сон қарори 4-илоvasи билан тасдиқланган “Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги тасдиқланиши мажбурий бўлган маҳсулотлар рўйхати”га 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ТоҒ-кон саноати ва геология вазири Б.Ф. Исламов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
вазири

А. Арипов

Бош

Машина ва Қурилмаларнинг хавфсизлиги тўғрисидаги ТЕХНИК РЕГЛАМЕНТ

1-боб. Умумий Қоидалар

1. Мазкур Техник регламент инсон ҳаёти ёки соғлиғини, мол-мулкни ҳимоя қилиш, атроф муҳитни, ҳайвонлар ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, истеъмолчиларни чалғитувчи ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида машиналар ва (ёки) қурилмаларни ишлаб чиқариш, ўрнатиш, ишга тушириш, ишлатиш, сақлаш, ташиш, сотиш ва утилизация қилишда уларга қўйиладиган минимал хавфсизлик талабларини белгилайди.

2. Ушбу Техник регламентда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

авария – машина ва (ёки) қурилмаларнинг бузилиши ёки шикастланиши, улардан фойдаланиш жараёнида назорат қилиб бўлмайдиган портлаш ва (ёки) хавfli ва зарарли моддаларнинг отилиб чиқиши юзага келиши;

белгиланган ресурс – машина ва (ёки) қурилмаларнинг техник ҳолатидан қатъи назар, улар фойдаланишдан тўхтатилиши лозим бўлган умумий муддат;

белгиланган сақлаш муддати – машина ва (ёки) қурилмаларнинг техник ҳолатидан қатъи назар, улар фойдаланишдан тўхтатилиши лозим бўлган календарь муддат;

белгиланган хизмат муддати – машина ва (ёки) қурилмаларнинг техник ҳолатидан қатъи назар, улар фойдаланишдан тўхтатилиши лозим бўлган календарь давомийлиги;

ишдан чиқиш – лойиҳалашда конструктив бузилишлар, белгиланган ишлаб чиқариш ёки таъмирлаш жараёнига амал қилмаслик, фойдаланиш бўйича

Қоидалар ёки Қўлланмани (Йўриқномани) бажармаслик оқибатида машина ва (ёки) Қурилмаларнинг ишга яроқлилик Ҳолатидаги бузилишлардан иборат бўлган Ҳодиса;

ишлаб чиқувчи (лойиҳаловчи) – янги турдаги машина ва Қурилмаларни яратиш, тажриба намунаси учун техник Ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тажриба намунасини ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахс;

ишлаш муддати – машина ва (ёки) Қурилмаларнинг ишлаш давомийлиги ёки Ҳажми;

машина – камида бир қисми ёки битта узели тегишли юритмалар, бошқарув занжирлари, энергия манбалари ёрдамида Ҳаракатга келтириладиган, аниқ мақсадда Қўллаш учун бирлаштирилган (материалларга ишлов бериш, уларни қайта ишлаш, кўчириш ёки қадоқлаш) ўзаро боғлиқ қисмлар ёки узеллар қатори;

машинадан ва (ёки) Қурилмадан мақсадга мувофиқ фойдаланиш – машина ва (ёки) Қурилмадан ишлаб чиқарувчи томонидан фойдаланиш Ҳужжатларида белгиланган мақсадга мувофиқ фойдаланиш;

рухсат этилган хавф – ишлаб чиқарувчининг техник-иқтисодий имкониятларидан келиб чиққан Ҳолда маҳсулот цикли жараёнининг барча босқичларида таъминланиши лозим бўлган хавфсизлик даражасига мос машина ва (ёки) Қурилмалардан фойдаланиш давомида юзага келадиган хавфнинг қиймати;

тизим – талаб этилган функцияларни бажариш учун конструктив ва (ёки) функционал жиҳатдан бирлаштирилган машиналар ва (ёки) Қурилмалар мажмуи;

тизим ишлаб чиқувчи (лойиҳаловчи)си – машина ва (ёки) Қурилмалар тизимлари (ишлаб чиқариш жараёни билан ўзаро боғланган технологик линиялар) учун лойиҳа Ҳужжатларини яратиш жараёнини амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахс;

ускуналар – мустақил фойдаланиладиган ёки асосий ва (ёки) Қўшимча вазибаларни бажариш учун ҳамда бир нечта машиналарни ягона тизимга бирлаштириш учун зарур бўлган, машинага ўрнатиладиган техник Қурилма;

хавф – инсон ҳаёти ва соғлиғига, мол-мулкига, атроф муҳитга етказилиши мумкин бўлган зарар манбаи;

хавфли ишдан чиқиш – оқибатлари инсон ҳаёти ёки соғлиғига, мол-мулкига, атроф муҳитга, ҳайвон ва ўсимликлар ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилиши мумкин бўлган машина ва (ёки) Қурилмаларнинг ишдан чиқиши;

хавфсизлик асосномаси – машиналар ва (ёки) Қурилмаларга цикли жараёнинг барча босқичларида илова қилинадиган ва мукамал таъмирдан, кейинги эксплуатация босқичида хавфни баҳолаш натижалари тўғрисидаги маълумотлар билан тўлдириладиган хавф таҳлилни, шунингдек, хавфсизликни таъминлаш бўйича минимал зарур чоралар тўғрисидаги конструкторлик, эксплуатацион, технологик ҳужжатлар маълумотларини ўз ичига олган ҳужжат;

хавф-хатар – зарар етказиш эҳтимоли ва бу зарарнинг инсон ҳаёти ёки соғлиғи, мол-мулки, атроф муҳит, ҳайвонлар ва ўсимликларга салбий оқибатлари бирикмаси;

Ҳаётий жараён – машина ва (ёки) Қурилмани лойиҳалаштириш бошлангандан бошлаб ўзаро боғлиқ босқичларни (лойиҳалаш, ишлаб чиқариш, сақлаш, ўрнатиш, ишга тушириш, эксплуатация қилиш, шу жумладан, модернизация қилиш, таъмирлаш, техник ва сервис хизмат кўрсатиш) ўз ичига олган вақт;

Ҳодиса – машина ва (ёки) Қурилмаларнинг ишдан чиқиши, технологик жараён режимидан четга чиқиши;

чегаравий ҳолат – машина ва (ёки) Қурилманинг ундан кейинчалик фойдаланиш имкони бўлмаган ёки мақсадга мувофиқ бўлмаган ёхуд уларнинг ишга яроқлилиқ ҳолатини қайта тиклаш имкони бўлмаган ҳолати.

3. Ушбу Техник регламент хавф турлари аниқланган ва идентификация қилинган, уларни бартараф этиш ёки камайтириш талаблари мазкур Техник

регламентга 1 ва 2-иловаларга мувофиқ белгиланган машиналар ва (ёки) Қурилмаларга тааллуқли Ҳисобланади.

4. Ушбу Техник регламентнинг талаблари Қуйидаги турдаги машиналар ва (ёки) Қурилмаларга татбиқ этилмайди:

алоқа тармоқлари фаолиятининг яхлитлиги ва ишлаш барқарорлигини таъминлаш ҳамда радиочастота спектридан фойдаланиш билан боғлиқ машиналар ва (ёки) Қурилмалар;

тиббий мақсадлар учун Қўлланиладиган ва бемор билан бевосита муносабатда ишлатиладиган машиналар ва (ёки) Қурилмалар (рентген, диагностика, даволаш, ортопедик, стоматологик, жарроҳлик ускуналари);

атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида Қўллаш учун махсус конструкцияланган машиналар ва (ёки) Қурилмалар. Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида Қўлланиладиган умумий саноат мақсадларидаги машиналар ва (ёки) Қурилмалар учун ушбу Техник регламентнинг таъсири ядровий ва радиацион хавфсизликни таъминлаш бўйича талабларига зид бўлмаган Қисмида Қўлланади;

денгиз ва дарё транспорти воситалари (кемалар ва сузувчи транспорт воситалари, шу жумладан, уларда ишлатиладиган машиналар ва (ёки) Қурилмалар);

учувчи ва космик аппаратлар;

темир йўл транспорти ва темир йўл транспортида фойдаланиш учун махсус мўлжалланган темир йўлнинг Ҳаракатланувчи таркиби ва техник воситалари, ҳамда метрополитен;

аттракционлар;

Қурол-яроғ ва Ҳарбий техника;

имконияти чекланган шахслар томонидан фойдаланиш учун мўлжалланган машиналар ва (ёки) Қурилмалар;

бурғилаш платформалари, уларда ишлатиладиган машиналар ва (ёки) Қурилмалардан ташқари.

5. Ушбу Техник регламентнинг талаблари хавfli ишлаб чиқариш объектларида Қўлланиладиган машиналар ва (ёки) Қурилмаларга ҳам татбиқ этилади.

6. Агар машина ва (ёки) Қурилмалардан юзага келадиган хавф-хатарлар Ўзбекистон Республикасининг бошқа техник регламентларида ёки норматив-ҳуқуқий ва норматив-техник ҳужжатларида тўлиқ ёки қисман белгиланган бўлса, у ҳолда машиналар ва (ёки) Қурилмалар уларга тааллуқли бўлган Ўзбекистон Республикаси техник регламентларининг талабларига мос келиши керак.

7. Машина ва (ёки) Қурилмаларни уларнинг қайси мақсадларда Қўлланишига мувофиқ ишлаб чиқарувчи томонидан берилган ҳужжатлардаги маълумотларга кўра идентификация қилинади.

8. Машина ва Қурилмаларнинг айрим тоифалари учун Қўшимча хавфсизлик талаблари ушбу Техник регламент 2-иловасига мувофиқ белгиланади.

9. Агар машиналар ва (ёки) Қурилмаларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг машина ва (ёки) Қурилмаларга Қўйиладиган талабларни белгиловчи бошқа техник регламентлари қабул қилинса, бунда машиналар ва (ёки) Қурилмалар уларга тааллуқли бўлган Ўзбекистон Республикасининг ушбу техник регламентлари талабларига мос келиши керак.

10. Ушбу Техник регламентда, шунингдек, уларга тааллуқли бўлган Ўзбекистон Республикасининг бошқа техник регламентларида белгиланган мувофиқликни тасдиқлаш тартиб-таомилларидан ўтган машиналар ва (ёки) Қурилмалар Ўзбекистон Республикаси бозорида муомалага чиқарилади.

11. Ушбу Техник регламент талабларига мувофиқлиги тасдиқланмаган машина ва (ёки) Қурилмалар миллий мувофиқлик белгиси билан тамғаланмайди ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалага чиқарилишига йўл қўйилмайди.

2-боб. Машина ва (ёки) Қурилмаларга Қўйиладиган хавфсизлик талаблари

1-§ Ишлаб чиқиш (лойиҳалаш) даврида машиналар ва (ёки) Қурилмаларнинг хавфсизлигини таъминлаш

12. Машина ва (ёки) Қурилмаларни ишлаб чиқишда (лойиҳалашда) цикли жараёнининг барча босқичларида мумкин бўлган хавфлар идентификацияланиши керак.

13. Идентификацияланган хавф турлари учун хавфни ҳисоблаш тажриба, экспертиза йўли билан ёки айнан шунга ўхшаш машиналар ва (ёки) Қурилмалардан фойдаланиш маълумотлари бўйича баҳолаш амалга оширилиши керак.

14. Ишлаб чиқиш (лойиҳалаш) жараёнида машина ва (ёки) Қурилмалар учун жоиз хавф аниқланиши ва белгиланиши керак. Бунда белгиланган хавфга мос келадиган хавфсизлик даражаси Қўйидагилар билан таъминланади:

илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг тўлиқлиги;

белгиланган тартибда текширилган усулларга асосланган зарур ҳисоб-китоблар ва синовлар мажмуасини амалга ошириш;

параметрлари ва фойдаланиш шароитларига боғлиқ ҳолда машиналар ва (ёки) Қурилмаларнинг алоҳида турларида ишлатиладиган материаллар ва моддаларни танлаш;

ишлаб чиқувчи (лойиҳаловчи) томонидан чегаравий ҳолатларнинг мезонлари белгиланиши;

ишлаб чиқувчи (лойиҳаловчи) томонидан белгиланган хизмат муддати, белгиланган ресурслар, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва утилизация муддатлари белгиланиши;

машина ва (ёки) Қурилмадан нотўғри фойдаланиш билан боғлиқ барча хавфларни аниқлаш;

машина ва (ёки) Қурилмалардан фойдаланишни чеклаш.

15. Агар баҳоланган хавф рухсат этилган чегарадан юқори бўлса, уни камайтириш учун машина ва (ёки) Қурилманинг лойиҳаси ўзгартирилиши керак.

Бунда машинанинг ва (ёки) Қурилманинг барча иш режимларига ходимларнинг аралашувига йўл Қўйилмайди, фойдаланиш бўйича Қўлланмада (йўриқномада) назарда тутилган Ҳоллар бундан мустасно.

16. Лойиҳани ўзгартириш орқали машина ва (ёки) Қурилманинг рухсат этилган хавфни белгилайдиган техник тавсифларига эришиш имкони бўлмаса, шунингдек, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаса, фойдаланиш бўйича Қўлланмада (йўриқномада) ушбу машина ва (ёки) Қурилмалардан фойдаланишни чеклайдиган чоралар ёки хавфсизликни таъминлаш чоралари кўрилиши зарурлиги тўғрисида огоҳлантирувчи маълумотлар кўрсатилади.

17. Машина ва (ёки) Қурилмаларни ишлаб чиқиш (лойиҳалаш)да физик омиллар даражалари (шовқин, инфратовуш, Ҳаво ва муносабатли ультратовуш, маҳаллий ва умумий вибрация, электромагнит майдонлар даражаси), шунингдек, улардан фойдаланиш вақтида хавфсизликни таъминловчи хавфли ва зарарли моддаларни чиқариш даражалари белгиланиши керак.

18. Машина ва ускуналарнинг электромагнит хавфсизлиги амалдаги “Техник воситаларнинг электромагнит мослиги тўғрисидаги техник регламент”нинг талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

19. Машина ва (ёки) Қурилмани ишлаб чиқиш (лойиҳалаш)да хавфсизлик асосномасини ишлаб чиқиш керак.

Машина ва (ёки) Қурилмалар учун хавфсизлик асосномаси асл нусхаси ишлаб чиқувчи (лойиҳаловчи)да, нусхаси эса машиналар ва (ёки) Қурилмаларни ишлаб чиқарувчида ҳамда машиналар ва (ёки) Қурилмаларни ишлатадиган ташкилотда сақланади.

20. Фойдаланиш бўйича Қўлланма (йўриқнома)ни ишлаб чиқиш машина ва (ёки) Қурилмани ишлаб чиқиш (лойиҳалаш)нинг ажралмас Қисми Ҳисобланади ва Қуйидагиларни ўз ичига олади:

машина ва (ёки) Қурилмалар конструкцияси, ишлаш принципи, тавсиф (хусусият)лари ҳақида маълумот;

машина ва (ёки) Қурилмани ўрнатиш ёки йиғиш, созлаш ёки ростлаш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича кўрсатмалар;

машинани ва (ёки) Қурилмани фойдаланиш бўйича кўрсатмалар ҳамда машина ва (ёки) Қурилмадан фойдаланиш пайтида риюя этилиши шарт бўлган хавфсизлик чоралари, шу жумладан, ишга тушириш, мақсадли фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш, барча турдаги таъмирлаш, даврий диагностика, синов, ташиш, Қадоқлаш, консервация Қилиш ва сақлаш шартлари;

конструктив хоссаларига боғлиқ Ҳолда белгиланган кўрсаткичлар (белгиланган сақлаш муддати, белгиланган хизмат муддати ва (ёки) тайинланган ресурс). Белгиланган кўрсаткичлар (тайинланган ресурс, сақлаш муддати, хизмат муддати) тугагандан сўнг машина ва (ёки) Қурилмалар фойдаланишдан чиқарилади ва уларни таъмирлаш, утилизация Қилиш, текшириш ва янги тайинланган кўрсаткичларни (тайинланган ресурс, сақлаш муддати, хизмат муддати) ўрнатишга юбориш тўғрисида Қарор Қабул Қилинади;

хавfli ишдан чиқишлар рўйхати, ходимларнинг Ҳодиса ёки аварияга олиб келадиган мумкин бўлган хато Ҳаракатлари;

Ҳодиса, хавfli ишдан чиқиш ёки авария Ҳолати юз берган тақдирда ходимларнинг Ҳаракатлари;

чегаравий Ҳолатлар мезонлари;

фойдаланишдан чиқариш ва утилизация Қилиш бўйича кўрсатмалар;

хизмат кўрсатувчи ходимларнинг малакаси тўғрисида маълумот.

21. Агар машина ва (ёки) Қурилмалар профессионал бўлмаган фойдаланувчилар томонидан ишлатилишига мўлжалланган бўлса, фойдаланиш бўйича Қўлланма (йўриқнома)да бундай фойдаланувчиларнинг билимлари, кўникмалари ва тажрибалари Ҳисобга олиниши керак.

**2-§ Ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш, ишлатиш
ва утилизация Қилиш вақтида машиналар ва (ёки)
Қурилмаларнинг хавфсизлигини таъминлаш**

22. Машина ва (ёки) Қурилмани ишлаб чиқаришда уларнинг лойиҳалаш Ҳужжатлари ва ушбу Техник регламент талабларига мувофиқлиги

таъминланиши керак.

23. Машина ва (ёки) Қурилмани ишлаб чиқаришда ишлаб чиқарувчи лойиҳалаш ҳужжатлари билан белгиланган хавфсизлик чораларининг бутун мажмуини бажариши керак, шунингдек, хавфсизлик билан боғлиқ бўлган барча технологик операцияларнинг бажарилишини назорат қилиш имконияти таъминланиши лозим.

24. Машина ва (ёки) Қурилмани ишлаб чиқаришда лойиҳалаш ҳужжатларида назарда тутилган синовлар ўтказилиши керак.

25. Машина ва (ёки) Қурилмани ишлаб чиқариш мазкур Техник регламентга мувофиқ лойиҳалаш ҳужжатлари билан белгиланган хавфсизлик талаблари қўлланиладиган технологик жараёнлар ва бошқарув тизимларини ҳисобга олган ҳолда бажарилиши лозим. Ишлаб чиқарувчи уларни муомалага чиқаришдан олдин машина ва (ёки) Қурилмаларнинг хавфлар бўйича баҳоланишини амалга ошириши лозим.

26. Машина ва (ёки) Қурилмани ишлаб чиқаришда лойиҳалаш ҳужжатларидан четга чиқишлар ишлаб чиқувчи (лойиҳачи) билан келишилган бўлиши керак. Келишилган лойиҳа ҳужжатлари бўйича ишлаб чиқарилган машина ва (ёки) Қурилмадан фойдаланиш хавфи ишлаб чиқувчи (лойиҳачи) томонидан белгиланган рухсат этилган хавфдан юқори бўлмаслиги шарт.

27. Машина ва (ёки) Қурилмани ишлаб чиқарувчи машина ва (ёки) Қурилмани фойдаланиш бўйича қўлланма (йўриқнома) билан таъминлаши шарт.

28. Машина ва (ёки) Қурилмада хавф турлари тўғрисида аниқ ва фойдаланиш даврида ўчиб кетмайдиган огоҳлантириш ёзувлари ёки белгилар бўлиши керак.

29. Машина ва (ёки) Қурилмада қуйидагиларни ўз ичига олган аниқ ўқилиши мумкин бўлган ва фойдаланиш даврида ўчиб кетмайдиган идентификация ёзуви бўлиши керак:

Ишлаб чиқарувчининг номи ва (ёки) савдо белгиси;

машина ва (ёки) Қурилманинг номи ва (ёки) белгиланиши (тури, маркаси, модели ва серия рақами (агар мавжуд бўлса));

ишлаб чиқарилган санаси.

30. Ушбу Техник регламентнинг 28-бандида келтирилган маълумотларни машина ва (ёки) Қурилмага татбиқ этиш мумкин бўлмаса, у ҳолда улар фақат ушбу машина ва (ёки) Қурилмага бириктирилган фойдаланиш Қўлланмаси (йўриқнома)да кўрсатилиши мумкин. Бу ҳолда ишлаб чиқарувчининг номи ва (ёки) унинг товар белгиси, машина ва (ёки) Қурилманинг номи ва белгиланиши (тури, маркаси, модели ва серия рақами (агар мавжуд бўлса) Қадоқларида кўрсатилиши керак.

31. Мазкур Техник регламентнинг 28-бандида кўрсатилган маълумотлар фойдаланиш бўйича Қўлланма (йўриқнома)да бўлиши керак. Бундан ташқари, фойдаланиш бўйича Қўлланма (йўриқнома)да ишлаб чиқарувчининг номи (ишлаб чиқарувчи томонидан ваколат берилган шахс), импорт қилувчи, улар билан боғланиш учун маълумотлар бўлиши керак.

32. Фойдаланиш бўйича Қўлланма (йўриқнома) давлат тилида тайёрланади ва агарда зарурат бўлса бошқа тиллардаги нусхалари ҳам Қўшилиши мумкин.

Фойдаланиш бўйича Қўлланма (йўриқнома) Қоғозда бўлади. Бунга электрон ташувчида тезкор ҳужжатлар тўплами илова қилиниши мумкин. Ишлаб чиқарувчининг танлови бўйича маиший бўлмаган мақсадларда фойдаланиладиган машиналар ва (ёки) Қурилмаларни фойдаланиш бўйича Қўлланма (йўриқнома)си фақат электрон ташувчида бўлиши мумкин.

33. Машиналар ва (ёки) Қурилмалар учун ишлатиладиган Қадоқлаш материаллари ва моддалари хавфсиз бўлиши керак.

34. Машиналар ва (ёки) Қурилмаларни, уларнинг бўлинмалари ва қисмларини ташиш ва сақлаш ишлаб чиқиш (лойиҳалаш) уларни эксплуатация ҳужжатларида назарда тутилган хавфсизлик талаблари ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилиши керак.

35. Машина ва (ёки) Қурилмада техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва текширишни амалга оширишда фойдаланиш бўйича Қўлланма (йўриқнома)нинг техник хизмат кўрсатиш ёки таъмирлаш дастурида белгиланган талабларга доимий равишда риоя қилиниши керак.

36. Машина ва (ёки) Қурилманинг уларни таъмирлаш пайтида пайдо бўладиган конструктив ўзгаришлар ишлаб чиқувчи (лойиҳачи) билан келишилган бўлиши керак.

37. Машина ва (ёки) Қурилмалар реконструкция ва капитал таъмирлашдан сўнг, рухсат этилган Қийматдан юқори бўлмаган хавф-хатарни баҳолашдан ўтказиш керак. Зарурият бўлса, рухсат этилган хавф-хатар Қийматларига эришиш учун техник ва ташкилий чоралар ишлаб чиқилади.

38. Лойиҳалаш ҳужжатлари талабларига жавоб бермайдиган машиналар ва (ёки) Қурилмалар учун ташкилотда қабул қилинган технологик жараёнлар ва бошқарув тизимларини ҳисобга олган ҳолда хавфсизлик асосномасида белгиланган хавф Қийматларини бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши керак.

39. Фойдаланиш бўйича Қўлланма (йўриқнома)да машина ва (ёки) Қурилмани хавфсиз тарзда утилизация қилиш бўйича талаблар белгиланиши керак.

40. Машина ва (ёки) Қурилмани фойдаланиш бўйича Қўлланма (йўриқнома)да белгиланган ресурсга ёки белгиланган хизмат муддатига етганидан кейин машинадан ва (ёки) Қурилмадан бошқа мақсадларда фойдаланишнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланиши керак.

3-§ Хавфсизлик талабларига мувофиқликни таъминлаш

41. Машина ва (ёки) Қурилмаларнинг ушбу Техник регламентга мувофиқлиги унинг талабларини бевосита бажариш ёки халқаро (минтақавий) стандартлар талабларини бажариш билан таъминланади.

Талаблар бўлмаган тақдирда (халқаро (минтақавий) стандартлар қабул қилинишидан олдин) - Ўзбекистон Республикасининг миллий стандартлари,

уларни ихтиёрий равишда Қўллаш натижасида ушбу техник регламент ва таркибида ушбу техник регламент талабларини Қўллаш ва бажариш учун зарур бўлган Қоида ва тадқиқот (синов) усуллари ва ўлчашлар, шу жумладан намуналарни танлаб олиш Қоидалари бўлган стандартлар (кейинги ўринларда - стандартлар) талабларига амал Қилиш ва мос Ҳолда машина ва (ёки) Қурилмаларнинг турлари бўйича маҳсулотни мувофиқлигини баҳолаш (тасдиқлаш) билан таъминланади.

Ушбу стандартлар талабларини ихтиёрий равишда бажариш машиналар ва (ёки) Қурилмаларнинг ушбу Техник регламентнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини кўрсатади.

3-боб. Мувофиқликни баҳолаш

4-§ Машиналар ва (ёки) Қурилмаларнинг мувофиқлигини тасдиқлашнинг умумий тартиби

42. Ўзбекистон Республикаси Ҳудудида муомалага чиқарилган машиналар ва (ёки) Қурилмаларнинг ушбу Техник регламент талабларига мувофиқлиги баҳоланиши шарт .

Бунда мазкур Техник регламент талабларига мувофиқликни баҳолаш мувофиқликни тасдиқлаш ва давлат назорати шаклида амалга оширилади.

43. Ишлаб чиқарувчиларнинг ўз эҳтиёжлари учун ишлаб чиқарилган, шунингдек, машиналар ва (ёки) Қурилмаларни таъмирлаш (техник хизмат кўрсатиш) учун ишлатиладиган машиналар учун компонентлар ва эҳтиёт Қисмлар, ишлаб чиқарилган машиналар ва (ёки) Қурилмалар ушбу Техник регламентнинг талабларига мувофиқлигини тасдиқламайди.

44. Машиналар ва (ёки) Қурилмаларнинг мувофиқлигини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик Ҳужжатларида тасдиқланган ягона тартиб-Қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

45. Машиналар ва (ёки) Қурилмаларнинг ушбу Техник регламент талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш Қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси сертификатлаш органлари ва синов лабораториялари (марказлари) Ягона реестрига киритилган аккредитациядан ўтган сертификатлаш (мувофиқликни баҳолаш (тасдиқлаш) органи томонидан (кейинги ўринларда – сертификатлаш органи) сертификатлаш;

сертификатлаш органи ёки Ўзбекистон Республикаси сертификатлаш органлари ва синов лабораториялари (марказлари) Ягона реестрига киритилган аккредитациядан ўтган синов лабораторияси (маркази) (кейинги ўринларда – аккредитациядан ўтган синов лабораторияси (маркази) иштирокида олинган ўз далиллари асосидаги мувофиқлик декларацияси.

46. Сертификатлаш ушбу Техник регламент объектлари рўйхатига киритилган машиналар ва (ёки) Қурилмаларга нисбатан мазкур Техник регламентга 3-иловада келтирилган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш учун амалга оширилади

47. Мувофиқлик декларацияси ариза берувчи томонидан техник тартибга солиш объектлари рўйхатига киритилган машиналар ва (ёки) Қурилмаларга нисбатан мазкур Техник регламентга 3-илова талабларига мувофиқлиги тасдиқланган Ҳолда амалга оширилади.

48. 46-бандда кўрсатилган рўйхатга киритилган машиналар ва (ёки) Қурилмаларга нисбатан мувофиқлик декларацияси, ариза берувчининг декларация қилишга доир ҳужжатлари мавжуд бўлмаганда ёки етарли бўлмаганда ўз хоҳишига кўра тегишли декларация схемаси ўрнини босувчи сертификатлаш схемаси бўйича сертификатлаш орқали мувофиқлик тасдиқланиши мумкин.

49. Мувофиқлик декларацияси ёки мувофиқлик сертификати машина ва (ёки) Қурилманинг ушбу Техник регламент талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ягона Ҳужжатдир.

50. Мувофиқлик декларацияси ва мувофиқлик сертификати тенг юридик кучга эга бўлиб, амал қилиши давомида Ўзбекистон Республикаси Ҳудудида муомалага чиқарилган машиналар ва (ёки) Қурилмаларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Ҳудудида амал қилади ва Ҳар бир бирликка (машина ва (ёки) Қурилмаларга) нисбатан хизмат муддати давомида амал қилади.

51. Мувофиқлик декларацияси ёки мувофиқлик сертификати ҳақидаги маълумотлар машина ва (ёки) қурилмалар паспортида кўрсатилиши мумкин.

52. Мувофиқликни тасдиқлашда машиналар ва (ёки) қурилмаларнинг ушбу Техник регламентнинг тўғридан-тўғри кўрсатилган ёки норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқлиги текширилади.

53. Машиналар ва (ёки) қурилмаларнинг мувофиқлигини тасдиқлашда ариза берувчи машиналар ва (ёки) қурилмалар учун ушбу Техник регламентнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тўпламини шакллантиради. Унга қуйидагилар киради:

техник хусусиятлари (агар мавжуд бўлса);

фойдаланиш бўйича қўлланма (йўриқнома);

ушбу машиналар ва (ёки) қурилмалар ушбу норматив ҳужжатлар талабларига мос келиши керак (агар ишлаб чиқарувчи томонидан қўлланилса);

шартнома (етказиб бериш шартномаси) (партия, битта буюм учун) ёки юк ҳужжатлари (партия, битта буюм учун);

ишлаб чиқарувчининг сифатни бошқарув тизимининг сертификати (агар мавжуд бўлса);

ўтказилган тадқиқотлар тўғрисида маълумот (агар мавжуд бўлса);

ишлаб чиқарувчи, сотувчи, чет эл ишлаб чиқарувчиси ва (ёки) синов лабораториялари (марказлари) функцияларини бажарувчи шахс томонидан амалга ошириладиган машина ва (ёки) қурилманинг синов баённомалари (агар мавжуд бўлса);

материаллар ва бутловчи қисмларга мувофиқлик сертификатлари ёки уларнинг синов баённомалари (агар мавжуд бўлса);

хорижий сертификатлаш идораларидан олинган ушбу машиналар ва (ёки) қурилмалар учун мувофиқлик сертификатлари (агар мавжуд бўлса);

машиналар ва (ёки) Қурилмаларнинг ушбу Техник регламентнинг хавфсизлик талабларига (агар мавжуд бўлса) мувофиқлигини тўғридан-тўғри ёки билвосита тасдиқловчи бошқа Ҳужжатлар.

5-§ Машиналар ва (ёки) Қурилмаларнинг мувофиқлигини декларация Қилиш тартиби

54. Машиналар ва (ёки) Қурилмаларнинг мувофиқлигини декларация Қилиш Қуйидаги схемалар бўйича амалга оширилади:

серияли ишлаб чиқарилган машиналар ва (ёки) Қурилмалар учун 1д-схемаси Қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

ариза берувчи ушбу Техник регламентнинг 53-бандида кўрсатилган Ҳужжатлар тўпламини шакллантиради; ишлаб чиқариш назоратини амалга оширади ва ишлаб чиқариш жараёни машиналар ва (ёки) Қурилмаларнинг ушбу Техник регламент талабларига мувофиқ бўлишини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўради; синов лабораториясида ёки аккредитациядан ўтган синов лабораториясида (марказида) намуналар синовларини ўтказди, мувофиқлик декларациясини Қабул Қилади ва рўйхатдан ўтказди.

Машиналар ва (ёки) Қурилмалар партияси (ягона маҳсулот) учун 2д-схемаси бўйича ариза берувчи ушбу Техник регламентнинг 53-бандида кўрсатилган Ҳужжатлар тўпламини шакллантиради, синов лабораториясида ёки аккредитациядан ўтган синов лабораториясида (марказида) намуналар синовларини ўтказди, мувофиқлик декларациясини Қабул Қилади ва рўйхатдан ўтказди.

Туркум ишлаб чиқариладиган машиналар ва (ёки) Қурилмалар учун 3д-схемаси Қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

ариза берувчи ушбу Техник регламентнинг 53-бандида кўрсатилган Ҳужжатлар тўпламини шакллантиради;

ишлаб чиқариш назоратини амалга оширади ва ишлаб чиқариш жараёни машиналар ва (ёки) Қурилмаларнинг ушбу Техник регламент талабларига мувофиқ бўлишини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўради;

аккредитациядан ўтган синов лабораториясида (марказида) маҳсулот намунасини синовларини ўтказди, мувофиқлик декларациясини қабул қилади ва рўйхатдан ўтказди.

Машиналар ва (ёки) қурилмалар тўпи (ягона маҳсулот) учун 4д-схемаси қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

ариза берувчи ушбу Техник регламентнинг 53-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўпламини шакллантиради;

аккредитациядан ўтган синов лабораториясида (марказида) маҳсулот намунасини синовларини ўтказди, мувофиқлик декларациясини қабул қилади ва рўйхатдан ўтказди.

5д-схема қуйидаги машиналар ва (ёки) қурилмалар учун ишлатилади:

хавфли ишлаб чиқариш объектларида ишлатилдиган;

иш жойига ўрнатишдан олдин синовларни тўлиқ ҳажмда ўтказиш имкони бўлмаган.

Ариза берувчи мувофиқликни тасдиқлашда норматив ҳужжатларда кўрсатилган стандартларни қўлламас, шу жумладан, инновацион маҳсулотлар учун қуйидаги амалларни бажаради:

ариза берувчи 52-бандда кўрсатилган ҳужжатлар тўпламини шакллантиради;

ишлаб чиқариш назоратини амалга оширади ва ишлаб чиқариш жараёни машиналар ва (ёки) қурилмаларнинг ушбу Техник регламент талабларига мувофиқ бўлишини таъминлаш учун сертификатлаш органига намуналарни ўрганиш мақсадида ариза юбориш чораларни кўради;

сертификатлаш органи ариза берувчидан олинган ҳужжатларни ҳисобга олган ҳолда турли тадқиқотлар ўтказди. Агар ариза берувчи норматив ҳужжатларни қўлламаган бўлса, сертификатлаш органи ушбу стандартларнинг талабларини эълон қилинган талаблар билан алмаштириш имкониятини баҳолайди. Ариза берувчи томонидан тақдим этилган

Ҳужжатларга Қараб турли тадқиқотлар Қуйидаги усуллардан бири билан амалга оширилади:

намунани кейинчалик ишлаб чиқарилган барча машиналар ва (ёки) Қурилмаларнинг вакили сифатида текшириш;

тақдим этилган Ҳужжатларни текшириш, намунани синаш ёки машиналар ва (ёки) Қурилмаларнинг (хавфли) компонентларини аниқлаш;

маҳсулот тури тадқиқотлари натижалари ижобий бўлса, сертификатлаш органи ушбу турга Қонунчилик Ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган ягона шаклда сертификат тузади ва уни ариза берувчига беради. Тур сертификати мувофиқлик декларациясининг ажралмас қисми ҳисобланади. Мазкур тадқиқотлар машина ва (ёки) Қурилмаларни ушбу Техник регламент талабларига мувофиқлигини етарли далил сифатида эътироф этилса давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текширишларда ишлатилади;

ариза берувчи мувофиқлик декларациясини қабул қилади ва рўйхатга олади.

бд-схемаси оммавий ишлаб чиқарилган машиналар ва (ёки) Қурилмалар учун ишлаб чиқарувчи сертификатланган бошқарув тизимига эга бўлса, Қуйидаги ҳаракатларни ўз ичига олади:

ариза берувчи 52-бандда кўрсатилган Ҳужжатлар тўпламини шакллантиради;

ишлаб чиқариш назоратини амалга оширади ва ишлаб чиқариш жараёни машиналар ва (ёки) Қурилмаларнинг ушбу Техник регламент талабларига мувофиқ бўлишини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўради;

аккредитациядан ўтган синов лабораториясида (марказида) намуналарни синовлардан ўтказди;

мувофиқлик декларациясини қабул қилади ва рўйхатдан ўтказди.

55. 1д, 3д, 5д, 6д-схемалари бўйича мувофиқликни декларациялашда ариза берувчи Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик Ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтган юридик ёки жисмоний шахс, яқка тартибдаги тадбиркор сифатида, ёки ишлаб чиқарувчи ёки сотувчи сифатида, ёки етказиб берилаётган маҳсулотларнинг ушбу Техник регламент талабларига мувофиқлигини таъминлаш ва етказиб берилаётган маҳсулотларнинг ушбу Ўзбекистон Республикаси Техник регламенти талабларига жавоб бермаслиги учун жавобгарлик нуқтаи назаридан у билан тузилган шартнома асосида чет эл ишлаб чиқарувчиси (чет эл ишлаб чиқарувчиси функцияларини бажарувчи шахс) бўлиши мумкин.

56. Мувофиқликни 2д, 4д-схемалари мувофиқ декларациялашда ариза берувчи Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик Ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтган юридик ёки жисмоний шахс, яқка тартибдаги тадбиркор сифатида, ёки ишлаб чиқарувчи ёки сотувчи сифатида, ёки етказиб берилаётган маҳсулотларнинг ушбу Техник регламент талабларига мувофиқлигини таъминлаш ва етказиб берилаётган маҳсулотларнинг ушбу Ўзбекистон Республикаси Техник регламенти талабларига жавоб бермаслиги учун жавобгарлик нуқтаи назаридан у билан тузилган шартнома асосида чет эл ишлаб чиқарувчиси (чет эл ишлаб чиқарувчиси функцияларини бажарувчи шахс) бўлиши мумкин.

4-боб. Мувофиқлик декларациясини Қабул Қилиш учун асос бўладиган далилий материаллар таркиби

57. Ўз далиллари асосида мувофиқлик декларациясини Қабул Қилиш учун асос бўладиган далилий материаллар сифатида ушбу Техник регламентнинг 53-бандида кўрсатилган Ҳужжатлар, шунингдек, норматив Ҳужжатларда кўрсатилган стандартлардан фойдаланилади.

58. Кўрсатилган Ҳужжатларни Қўллаш шартлари сифатида Қўйидагилар кўриб чиқилиши мумкин:

1) синов баённомалари учун:

синов баённомаларида ариза билан тақдим этилган маҳсулотга тааллуқли бўлган ушбу Техник регламентда белгиланган барча талабларга

мувофиқлигини тасдиқловчи кўрсаткичларнинг Қийматлари мавжудлиги;

ариза билан тақдим қилинган машиналар ва (ёки) Қурилмалар учун синов баённомаларининг тадбиқ этилиши;

2) мувофиқлик сертификатлари, мувофиқлик декларациялари ёки хомашё, материаллар, бутловчи буюмлар учун синов баённомалари – агар улар мувофиқлиги тасдиқланиши лозим бўлган якуний маҳсулотнинг хавфсизлигини белгиласа;

3) ишлаб чиқариш сифат менежменти тизимининг сертификатлари – агар улар эълон қилинган машиналар ва (ёки) Қурилмаларни ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлса;

4) машиналар ва (ёки) Қурилмаларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тўғридан-тўғри ёки билвосита тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, ихтиёрий сертификатлашда эълон қилинган машиналар ва (ёки) Қурилмалар учун берилган мувофиқлик сертификатлари (ихтиёрий сертификатлаш пайтида барча зарур талаблар тасдиқланиши шарти билан).

59. Мувофиқлик тўғрисидаги декларация Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги билан тасдиқланган ягона шакл бўйича расмийлаштирилади.

Мувофиқлик тўғрисидаги декларация Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик ҳужжатлари билан тасдиқланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак. Мувофиқлик декларациясининг амал қилиш муддати у рўйхатдан ўтган кундан бошланади. Мувофиқлик декларацияси амал қилиш муддати – 5 йил.

60. Ариза берувчи мувофиқлик декларациясини ва далилий материалларни мувофиқлик декларацияси муддати тугаган кундан бошлаб ўн йил давомида сақлаши шарт.

61. Мувофиқликни тасдиқловчи ҳужжатлар тўплами давлат текшируви (назорати) органларига уларнинг талабларига мувофиқ тақдим этилиши керак.

5-боб. Машиналар ва (ёки) Қурилмаларни сертификатлаш тартиби

62. Машиналар ва (ёки) Қурилмаларни сертификатлаш қуйидаги схемалар бўйича амалга оширилади:

серияли ишлаб чиқариладиган машиналар ва (ёки) Қурилмалар учун 1с-схемаси Қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

ариза берувчи ушбу Техник регламентнинг 53-бандида кўрсатилган Ҳужжатлар тўпламини шакллантиради ва сертификатлаш органига сертификатлаш учун ариза беради;

сертификатлаш органи синов ўтказиш учун ариза берувчидан намуналар танлаб олади;

Ўзбекистон Республикаси сертификатлаш органлари ва синов лабораториялари (марказлари) Ягона реестрига киритилган, аккредитациядан ўтган синов лабораторияси (маркази) (кейинги ўринларда—аккредитациядан ўтган синов лабораторияси (маркази) машиналар ва (ёки) Қурилмалар намуналарини синовдан ўтказади;

сертификатлаш органи аккредитациядан ўтган синов лабораториясида (марказда) намуналарни синовдан ўтказиш ва (ёки) ишлаб чиқариш Ҳолатини таҳлил қилиш йўли билан сертификатланган машиналар ва (ёки) Қурилмалар устидан инспекцион текширувни амалга оширади.

машина ва (ёки) Қурилмалар (битта маҳсулот) партиялари учун **3с-схемаси** Қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

ариза берувчи 52-бандда кўрсатилган Ҳужжатлар тўпламини шакллантиради ва сертификатлаш органига сертификатлаш учун ариза беради;

сертификатлаш органи ёки аккредитациядан ўтган синов лабораторияси (маркази) синов ўтказиш учун ариза берувчидан намуналар танлаб олади;

аккредитациядан ўтган синов лабораторияси (маркази) машиналар ва (ёки) Қурилмалар намуналарини синовдан ўтказади;

сертификатлаш органи машиналар ва (ёки) Қурилмалар намуналарининг синов натижаларини таҳлил қилади ва натижалар ижобий бўлса, ариза берувчига мувофиқлик сертификатини беради;

Ўзбекистон Республикаси Худудида ишлаб чиқариш ташкилотларини жиҳозлаш учун мўлжалланган чекланган Ҳажмдаги машиналар ва (ёки) Қурилмалар партияси учун 9с-схемаси Қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

ариза берувчи ушбу Техник регламентнинг 53-бандида кўрсатилган Ҳужжатлар тўпламини шакллантиради ва сертификатлаш органига сертификатлаш учун ариза беради;

сертификатлаш органи ариза берувчи томонидан тақдим этилган Ҳужжатлар тўпламини таҳлил қилади ва натижалар ижобий бўлса, ариза берувчига мувофиқлик сертификатини беради.

1с, 9с-схемаси бўйича сертификатлаш учун ариза берувчи Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик Ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтган юридик ёки жисмоний шахс, яқка тартибдаги тадбиркор сифатида, ёки ишлаб чиқарувчи ёки сотувчи сифатида, ёки етказиб берилаётган маҳсулотларнинг ушбу Техник регламент талабларига мувофиқлигини таъминлаш ва етказиб берилаётган маҳсулотларнинг ушбу Ўзбекистон Республикаси Техник регламенти талабларига жавоб бермаслиги учун жавобгарлик нуқтаи назаридан у билан тузилган шартнома асосида чет эл ишлаб чиқарувчиси (чет эл ишлаб чиқарувчиси функцияларини бажарувчи шахс) бўлиши мумкин.

3с-схемаси бўйича сертификатлаштириш учун ариза берувчи Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик Ҳужжатларига мувофиқ етказиб берилаётган маҳсулотларнинг ушбу Техник регламент талабларига мувофиқлигини таъминлаш ва етказиб берилаётган маҳсулотларнинг ушбу Техник регламенти талабларига жавоб бермаслиги учун жавобгарлик нуқтаи назаридан (чет эл ишлаб чиқарувчиси функцияларини бажарувчи шахс) ишлаб чиқарувчи ёки сотувчи бўлган ёки шартнома асосида чет эл ишлаб чиқарувчиси функцияларини бажарувчи, яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган юридик ёки жисмоний шахс бўлиши мумкин.

63. Ариза берувчи белгиланган тартибда тасдиқланган сертификатлаш шаклидаги Техник регламент талабларига риоя этилишини тасдиқлаши лозим бўлган машина ва (ёки) Қурилмалар рўйхатига киритилган Ҳар Қандай

сертификатлаш органига сертификациядан ўтказиш учун мурожаат қилиши мумкин.

Сертификациялаш учун мурожаат ариза берувчи томонидан тузилади ва қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

ариза берувчининг номи ва жойлашган жойи;

ишлаб чиқарувчининг номи ва жойлашган жойи;

машина ва (ёки) қурилмалар ҳақида маълумот (унинг таркиби) ва уни аниқлаш хусусиятлари (номи, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият таснифлагичи бўйича коди, машина ва (ёки) қурилмалар (давлатлараро ёки миллий стандарт, корхона стандарти, техник хусусиятлар ва бошқалар)), чиқариш шакли-серияли ишлаб чиқариш ёки партия, шартнома (контракт) тафсилотлари ва бошқалар);

норматив ҳужжатларда кўрсатилган фойдаланилган стандарт (лар);

сертификатлаш схемаси.

64. Сертификатлаш органи аризани кўриб чиқади ва сертификатлашни амалга ошириши мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилади.

Ижобий қарор қабул қилинган тақдирда сертификатлаш органи сертификатлашишларини амалга ошириш учун ариза берувчи билан шартнома тузади.

Сертификатлаш органи сертификатлаш схемасига мувофиқ ишларни амалга оширади, қарор тайёрлайди ва натижа ижобий бўлса, ариза берувчига мувофиқлик сертификатини беради.

65. Салбий сертификатлаш натижасида сертификатлаш органи ариза берувчига мувофиқлик сертификатини беришни рад этиш тўғрисида қарор юборади.

66. Тур намунасини (тур намуналарини) ягона нусхада келтирилган буюмини ёки машина ва (ёки) қурилманинг синовдан ўтказиш,

сертификатлаш органининг топшириғи бўйича аккредитациядан ўтган синов лабораторияси (маркази) томонидан амалга оширилади.

67. Ишлаб чиқариш ҳолатини таҳлил қилиш сертификатлаш органи томонидан амалга оширилади. Таҳлил натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади.

Агар ишлаб чиқарувчи машина ва (ёки) қурилмаларни ишлаб чиқариш ёки такомиллаштириш ва ишлаб чиқариш учун сертификатланган сифатни бошқариш тизимига эга бўлса, сертификатлаш органи ушбу тизимнинг ушбу Техник регламент талабларига жавоб берадиган сертификатланган машиналар ва (ёки) уқурилмаларни барқарор ишлаб чиқаришни таъминлаш қобилиятини баҳолайди.

68. Сертификатлаш схемасида назарда тутилган текширишлар ижобий натижа берган тақдирда, сертификатлаш органи мувофиқлик сертификатини расмийлаштиради ва уни ариза берувчига беради.

69. Мувофиқлик сертификати қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган ягона шаклда расмийлаштирилади.

Берилган мувофиқлик сертификати тўғрисидаги маълумотлар сертификатлаш органи томонидан берилган мувофиқлик сертификатлари ва ягона шаклда берилган мувофиқлик декларациялари Ягона реестрига узатилади.

70. Мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддати серияли ишлаб чиқарилган машиналар ва (ёки) қурилмалар учун 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга белгиланади.

71. Мувофиқлик сертификати ўзида қамраб олинган аниқ маҳсулотлар рўйхатини ўз ичига олган иловага эга бўлиши мумкин.

Қуйидаги ҳолларда илова расмийлаштирилади:

ариза берувчи томонидан ишлаб чиқарилган ва худди шу талабларга мувофиқ сертификатланган бир ҳил маҳсулотлар гуруҳининг таркибини батафсил баён қилиш талаб этилса;

маҳсулот ишлаб чиқариш учун ягона шароитга эга бўлган йирик бирлашмалар таркибига кирадиган ишлаб чиқариш корхоналарини кўрсатиш талаб этилса.

6-боб. Миллий мувофиқлик белгиси билан тамғалаш

72. Техник регламентнинг хавфсизлик талабларига жавоб берадиган ва мувофиқликни баҳолаш тартибидан ўтган машиналар ва (ёки) қурилмалар миллий мувофиқлик белгиси билан тамғаланиши керак.

73. Ўзбекистон Республикаси бозорида маҳсулотларни миллий мувофиқлик белгиси билан тамғалаш машиналар ва (ёки) қурилмалар бозорда муомалага чиқарилгунга қадар амалга оширилади.

74. Ўзбекистон Республикаси бозоридаги маҳсулотларнинг миллий мувофиқлик белгиси машиналарнинг ва (ёки) қурилмаларнинг ҳар бир миқдорига машинанинг ва (ёки) қурилманинг бутун ишлаш муддати давомида аниқ ва равшан тасвирни таъминлайдиган ҳар қандай усулда қўлланилади.

75. Бевосита машина ва (ёки) қурилмаларга татбиқ этиб бўлмайдиган бўлса, маҳсулотнинг миллий мувофиқлик белгисини Ўзбекистон Республикаси бозорида фақат қадоқлаш ва бириктирилган фойдаланиш ҳужжатларда қўллашга рухсат этилади.

76. Машина ва (ёки) қурилмалар Ўзбекистон Республикасининг барча техник регламентлари талабларига мос келса ва мазкур талаблар Ўзбекистон Республикаси бозорида маҳсулотларнинг миллий мувофиқлик белгиси қўлланилишини назарда тутса, Ўзбекистон Республикаси бозорида маҳсулотларнинг миллий мувофиқлик белгиси билан тамғаланганидан сўнг эркин муомилага чиқарилади.

7-боб. Ўтиш даври

77. Ушбу Техник регламент кучга кирган пайдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар улар ушбу Техник регламентга мувофиқ келтирилгунга

Қадар машина ва (ёки) Қурилма хавфсизлигига ўрнатилган талабларни Техник регламентга зид бўлмаган Қисми бўйича Қўлланилади.

78. Мазкур Техник регламент кучга киришидан олдин Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификатлаш тизимида белгиланган Қоидалар Қонунчилик Ҳужжатларига мувофиқ мажбурий мувофиқлик баҳоланиши лозим бўлган машиналар ва (ёки) Қурилмаларга Қўлланилади.

79. Техник регламентнинг кучга киришидан олдин машиналар ва (ёки) Қурилмалар учун олинган мувофиқлик сертификатлари ушбу Ҳужжатларда белгиланган муддат давомида амал Қилишда давом этади.

8-боб. Яқунловчи Қоидалар

80. Техник регламент талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини ТоҒ-кон саноати ва геология соҳасини назорат Қилиш инспекцияси, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги Ҳамда бошқа ваколатли давлат органлари ўз ваколатлари доирасида амалга оширади.

81. Техник регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар Қонунчилик Ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Машина ва (ёки) Қурилмаларга Қўйиладиган асосий хавфсизлик талаблари

Машина ва
ускуналарнинг хавфсизлиги тўғрисидаги техник
регламентга 1-
илова

Машина ва (ёки) Қурилмаларга Қўйиладиган асосий хавфсизлик талаблари

82. Ишлаб чиқарувчи томонидан тақдим этилган шарт-шароитларда ходимларни хавф остига Қўймасдан машина ва (ёки) Қурилмаларни тартибга солиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш мумкин бўлиши керак.

83. Машиналар ва (ёки) Қурилмаларни ишлаб чиқариш ва такомиллаштириш (лойиҳалаш)да масъул шахслар:

хавфни бартараф этиш ёки камайтириши;

хавфдан Ҳимоя Қилиш учун чоралар кўриши;

Ҳимоя чоралари Ҳақида истеъmolчиларни хабардор Қилиши, махсус тайёргарлик талаб Қилинганлигини кўрсатиши ва техник Ҳимоя чораларига бўлган эҳтиёжни аниқлаши керак.

84. Машина ва (ёки) Қурилмаларни такомиллаштириш (лойиҳалаш) ва ишлаб чиқаришда, шунингдек, машина ва (ёки) Қурилмаларни ишлатиш учун фойдаланиш Қўлланмаси (йўриқнома)ни ишлаб чиқишда машиналар ва (ёки) Қурилмаларнинг ишлашида йўл Қўйиладиган хавф Ҳисоб олиниши керак.

85. Нотўғри ишлаш натижасида хавф пайдо бўлиши мумкин бўлса, машина ва (ёки) Қурилманинг лойиҳалашда бундай хавфининг олдини олиши керак. Агар бунинг имкони бўлмаса, фойдаланиш Қўлланмасида (йўриқномада) истеъmolчининг ана шундай Ҳолатларга эътиборини Қаратадиган Қилиб ёзилиши лозим.

86. Машина ва (ёки) Қурилмаларни такомиллаштириш (лойиҳалаш) ва ишлаб чиқаришда эргономик тамойиллардан фойдаланиб, ходимларга ноҚулайликни, уларнинг чарчаши ва психологик зўриқишини энг паст даражага тушириш керак.

87. Машина ва (ёки) Қурилмаларни такомиллаштириш (лойиҳалаш) ва ишлаб чиқаришда шахсий Ҳимоя воситаларидан фойдаланишда оператор Ҳаракатларига Қўйилган чекловлар Ҳисобга олиниши керак.

88. Машина ва (ёки) Қурилмалар техник хизмат кўрсатиш ва мўлжалланган вазифалари бўйича фойдаланилишида хавфсиз ишлаши учун зарур Қурилмалар ва воситалар билан жиҳозланган бўлиши керак.

89. Машина ва (ёки) Қурилмалар ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хомашё, материаллар ва моддалар инсон Ҳаёти ёки соғлиғига, мол-мулки, атроф муҳитга, Ҳайвонларга таҳдид солмаслиги керак.

Суюқлик ва газлардан фойдаланишда улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган хавф бўлмаслиги лозим.

90. Машина ва (ёки) Қурилмаларнинг хавфсиз ишлаши учун Қўшимча ёритишни таъминлаш керак.

Машинанинг ички Қисмлари ва жойлари ва (ёки) тез-тез текшириш, созлаш ва техник хизмат кўрсатишни талаб Қиладиган ускуналар хавфсизликни таъминлаш учун ёритилиш имкониятига эга бўлиши керак.

Машина ва (ёки) Қурилмаларни ишлатганда сояли жойлар, халақит берувчи, кўзни Қамаштирувчи ва нур Ҳосил Қилувчи майдонлар Ҳосил бўлишига йўл Қўймаслик керак.

91. Машина ва (ёки) Қурилмалар ёки уларнинг Ҳар бир Қисми хавфсиз ва бузилмасдан сақланиши, етарлича барҚарорликка эга бўлиши учун Қадоқланган бўлиши керак.

92. Агар машина ва (ёки) Қурилмаларнинг ёки уларнинг турли Қисмларининг оғирлиги, катталиги ёки шакли уларни Қўлда кўчиришга имкон бермаса, машина ва (ёки) Қурилмалар ёки уларнинг Ҳар бир Қисми:

механизми кўтариш учун Қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши;

стандарт кўтариш ускуналарини Қўллаш мумкин бўлган конфигурация мавжуд бўлиши керак.

93. Агар машина ва (ёки) Қурилмалар ёки уларнинг бир Қисми Қўлда Ҳаракатланадиган бўлса, уларнинг Ҳаракатланиши енгил бўлиши ёки кўтариш мосламалари билан жиҳозланган бўлиши керак.

Ишлаш вақтида зарур бўлган асбоблар, буюмлар ва бутловчи Қисмларни хавфсиз жойлаштириш учун махсус жойлар билан таъминлаш зарур.

94. Машина ва (ёки) Қурилмаларнинг бошҚариш тизимлари барча белгиланган иш режимларида ва иш шароитларида кўзда тутилган барча ташқи таъсирлар шароитида уларнинг ишлаш хавфсизлигини таъминлаши керак.

БошҚарув тизимлари хатоликлари ва ходимлар томонидан назорат амалларининг бузилиши туфайли хавфли вазиятлар юзага келишининг олдини олиши керак.

Машина ва (ёки) Қурилмаларнинг иш режимини назорат Қилиш ва кузатишнинг мураккаблигига Қараб, бошҚарув тизимларига иш режимларини автоматик бошҚариш воситалари ёки операцион режимнинг бузилиши хавфли вазиятга олиб келиши мумкин бўлса, автоматик тўхтатиш воситаларига эга бўлиши керак.

95. Машина ва (ёки) Қурилмани бошҚариш тизимлари хавфли вазиятларга олиб келадиган машинанинг ва (ёки) Қурилманинг носозлиги тўғрисида огоҳлантирувчи воситаларни ва бошҚа воситаларни ўз ичига олган бўлиши керак.

Машиналар ва (ёки) Қурилмаларнинг носозлиги тўғрисида огоҳлантирувчи воситалар ходимлар томонидан маълумотлар хатосиз, ишончли ва тезкор Қабул Қилинишини таъминлаши керак.

96. Машинанинг ва (ёки) Қурилманинг бошҚарув элементлари:

осон фойдаланиладиган ва ажралиб турадиган, ишлатилишига алоқадор ёзувли белгилар жойлаштирилган ёки бошҚа усул билан ифодаланган;

уларнинг мустаҳкам, ишончли ва аниқ манипуляцияси таъминланадиган тарзда ишлаб чиқилган ва жойлаштирилган;

кўчириш учун зарур бўлган ҳаракат, ишлатиш кетма-кетлиги, частотаси ва функцияларнинг аҳамиятига кўра жойлаштирилган;

уларнинг шакли ва катталиги ушлаш (бармоқлар, чўтка) ёки босиш (қўл бармоғи, кафт, оёқ) услубига мос келадиган Қилиб ясалган бўлиши керак.

Улар хавфли зонадан ташҚарида жойлашган, назоратдан ташҚари бўлса, функционал мақсадли хавфли ҳудудда ходимлар бўлишини талаб Қилганда Қўшимча хавфсизлик чоралари кўрилган бўлиши лозим.

97. Агар бир назорат органининг бошқарилишида бир неча хил ҳаракатлар назарда тутилган бўлса, бажарилган ҳаракат назорат воситалари томонидан кўрсатилиши ва текширилиши керак.

98. Машинани ва (ёки) қурилмани ишга тушириш, шунингдек, тўхтатилгандан кейин қайта ишга тушириш (тўхташ сабабидан қатъи назар) фақат бошқарувни бошлаш назорати томонидан амалга оширилиши керак. Агар тўхтагандан кейин қайта ишга тушириш ушбу режимда назарда тутилган бўлса, ушбу талаб автоматик режимда ишлайдиган ишлаб чиқариш ускуналарини қайта ишга туширишга тааллуқли эмас.

Агар машина ва (ёки) қурилмалар тизимида тизимни ёки унинг алоҳида қисмларини ишга туширувчи бир нечта бошқарув аппарати мавжуд бўлса ва улардан фойдаланиш кетма-кетлигининг бузилиши хавfli вазиятлар яратилишига олиб келиши мумкин бўлса, бошқарув бузилишининг олдини олувчи қурилмалар билан таъминланган бўлиши керак.

99. Машиналарнинг ва (ёки) қурилмаларнинг ҳар бир тизимида бошқариш воситаси ўрнатилган бўлиши керак, унинг ёрдамида уни тўлиқ хавфсиз тарзда тўхтатиш мумкин бўлиши лозим. Машина ва (ёки) қурилмани тўхтатиш тизими ишни бошлаш тизимидан ажралган ҳолда яққол кўринишга эга бўлиши зарур.

